

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/31.08.2022.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ БОБОМУРОД БАХТИЁРОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рахмонов Бобомурод Бахтиёрович

Темир йўл кесимларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва
бошқариш тизимини такомиллаштириш..... 3

Рахмонов Бобомурод Бахтиёрович

Совершенствование системы контроля и управления безопасности
движения на железнодорожных переездах..... 21

Rahmonov Bobomurod Baxtiyorovich

Improvement of the traffic safety control and management system at railway
crossings..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/31.08.2022.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ БОБОМУРОД БАХТИЁРОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Т3997 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанов Жанибек Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Хаджимухаметова Матлуба Адилевна
техника фанлари доктори, профессор

Ўроқов Олимжон Хикматуллоевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил “29” апрель соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй, тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№154-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. тел: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2024 йил “17” апрель куни тарқатилди.
(202_ йил “17” апрельдаги 37-рақамли реестр баённомаси).



Н.М. Арипов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Ш.М. Суёнбаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., профессор

М.Х. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда темир йўл транспорти участкаларидаги кесишмаларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини автоматлаштирилган рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлатишга талаб кескин ортиб бормоқда. Шунингдек, темир йўл транспортининг юқори тезюар участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ишончлилигини оширишда, ўзини ўзи ташхисловчи, замонавий микропроцессорли ва симсиз технологиялар базасида кесишмани автоматик сигналлаштириш тизимининг назорат қилиш ва бошқариш қурилмаларининг юқори аниқликда ишлашнинг таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг юқори тезюар темир йўл участкаларидаги кесишмаларда ҳайдовчиларнинг ҳаракат хавфсизлигига риоя қилмасликлари оқибатидаги тўқнашувларнинг 31% да инсонлар турли жароҳатлар олишига ва 2% да уларнинг ўлимига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб¹, замонавий автоматлаштирилган симсиз технологиялар асосида темир йўл кесишмаларини автоматик сигналлаштириш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини ошириш, симсиз технологияларни қўллаш асосида назорат қилиш ва бошқариш, ҳаракатланаётган автотранспорт ҳайдовчиларини масофадан огоҳлантириш, поезд машинистига кесишманинг жорий ҳолати юзасидан аниқ маълумот узатиш, кесишмаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида поезднинг яқинлашаётганлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш, автомобилларнинг кесишмада узоқ вақт қолиб кетиши ва тирбандликнинг олдини олишга² алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон темир йўл кесишмаларида поезднинг яқинлашиши тўғрисида хабар бериш вақтини ва унинг кесишмага яқинлашиш масофасини назорат қилиш ҳамда жараёни бошқариш тизимларини такомиллаштириш орқали ҳаракат хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш ва замонавий автоматлаштирилган қурилмаларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, темир йўл кесишмаларидаги автоматик сигналлаштириш тизимини замонавий элементлар базасидаги микроконтроллерли бошқариш ва назорат қилиш усуллариининг соддалаштирилган алгоритмли дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш муҳим бўлиб, шу билан бир қаторда, кесишмани автоматик сигналлаштириш тизимининг ишончлилигини ошириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, кесишмани автоматик сигналлаштириш тизимининг ишончлилик кўрсаткичларини ҳамда таҳлилий натижаларини рақамли кўринишда ва масофадан туриб симсиз технологиялар ёрдамида соҳанинг масъул ходимларига ўз вақтида етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

¹ <https://zdmira.com/articles/otchet-mszd-2022-statistika-proisshestvij-na-zheleznykh-dorogakh>

² <https://newsprice.info/publications/kak-raskuporit-probku-mezhdunarodnyj-opyt-resheniya-transportnyh-problem/>

Республикамизда темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тизимлар билан боғлиқ бўлган қурилмалар, блоклар ва датчик туридаги элементларни замонавийлаштириш, шунингдек уларни рақамли технологияларга, релели контактли блокларни микропроцессорли контактсизларига алмаштириш, тизимдаги барча камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари, жумладан “темир йўл соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш,, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш, ... электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа, локомотив хўжалиги, ягона диспетчерлик маркази ... фаолиятини таъминлаш ҳамда мазкур инфратузилма объектларини ривожлантириш”³, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “...ахборот технологияларни кенг жорий қилиш... транспорт, инфратузилма, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича маълумотларни жамловчи таҳлилий геопорталларини ишга тушириш, ...дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш, ...транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, ...жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш”⁴ бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, темир йўл участкаларида замонавий кесимгани автоматик сигналлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли, 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сонли ва 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли Фармонлари, 2019 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сонли Қарори, 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сонли Қарорининг 4-иловасининг 157-бандида “Темир йўл участкаларидаги переездларни микропроцессорли маҳаллийлаштирилган тизимини (МАПС) ишлаб чиқиш” лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли Қарори;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ишончилигини таъминлаш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан, В.В. Сапожников, Вл.В. Сапожников, А.Б. Никитин, Е.Г. Угрюмов, Ю.А. Бакулин, Ю.А. Ерохин, Л.Б. Чубаров, В.Н. Яковлев, Е.И. Полевой, А.С. Лосев, Е.М. Тарасов, А.С. Белоногов, В.П. Мохонко, М.Б. Куров, В.Б. Гуменников, Й.В. Тарасова, Dj. Fris, R. Fis, R. Mors, G.T. Kabushiki, K. Takashi, С.Н. Чижма, Н.Г. Анањева, С.Е. Ададуrow, Б.М. Гордон, Г.Д. Казиев, Е.Н. Розенберг, М. Randiy, J. Patrik, R.V. Gnitko, А.А. Курганский, И.Г. Тилк, В.В. Ляной, М. Марекс, Н. Александрс, К. Владимирс, В.В. Власов, Д.В. Соболев, Д.В. Ефанов, Д.Г. Плотников, Г.В. Осадчий, А.Н. Попов, С.В. Бушуев, С.Ю. Гришаев, Д.Г. Назмутдинов ва бошқалар.

Темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини замонавийлаштириш, поездлар ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва уни бошқариш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан: Ф.А. Назаров, В.Г. Строков, Г.Р. Рахметов, Ю.И. Полевой, Н.М. Арипов, А.Р. Азизов, Ш.Р. Хорунов, М.М. Алиев, Ж.Ф. Курбанов, С.Т. Болтаев. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида поездлар ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва уни бошқариш усулларини яратишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, темир йўл кесишмасини яқинлашаётган поезд тоифаси, тезлиги, тезланиши, тормоз йўлининг узунлиги ва бошқа техник тавсифларидан келиб чиқиб бошқариш тизимини такомиллаштириш, поездлар ва автотранспорт воситалари тўқнашувининг олдини олиш бўйича локомотив машинистини ўз вақтида огоҳлантириш тизимларининг ишлаш алгоритмларини ва тамойилларини такомиллаштириш, автотранспорт воситаларининг ёпиқ кесишма олдида туриб қолиш вақтини камайтириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сонли Қарорининг 4-иловасида кўрсатилган 2023-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида амалга

ошириладиган “Драйвер” инновацион лойиҳаларининг 157-бандида кўрсатилган “Темир йўл участкаларидаги переездларни микропроцессорли маҳаллийлаштирилган тизимини (МАПС) ишлаб чиқиш” лойиҳаси, 61-сонли “Темир йўл участкаларида автоматик локомотив сигналлаштириш тизими сигналларини назорат қилиш усулини такомиллаштириш” хўжалик шартномаси (2022 йил), ИЗ-2020122814-сонли “Темир йўл транспортида радиоалоқа сигналларини ўлчашда махсус алоқа лаборатория вағони учун рақамли ҳамда комплексли модулларни яратиш” инновацион давлат гранти (2022-2023 йй.) бўйича илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поезднинг тоифасини инобатга олган ҳолда кесишмани автоматик сигналлаштириш тизимининг замонавий ҳолати ва муаммоларини тадқиқ қилиш;

темир йўл транспортида поездлар ҳаракат хавфсизлигини ошириш учун математик моделлаштириш асосида яқинлашаётган поезднинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда кесишмани автоматик сигналлаштириш усулини яратиш;

кесишманиннг жорий ҳолати бўйича унга яқинлашаётган локомотив машинистига радиоалоқа канали орқали маълумот узатиш усулини микропроцессорли элементлар асосида ишлаб чиқиш;

ҳаракатдаги локомотивнинг координата параметрларидан келиб чиққан ҳолда автотранспорт ҳайдовчиларини огоҳлантириш ва кесишманиннг автоматик сигналлаштириш тизимини радиоалоқа канали ёрдамида бошқариш усулини асослаш;

кесишмага яқинлашаётган поезднинг тоифасини аниқлаган ҳолда бошқариладиган кесишмани автоматик сигналлаштириш тизимининг ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган темир йўл кесишмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган темир йўл кесишмаларининг автоматик сигналлаштириш тизими олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида графлар назариясининг Петри тармоқларидан фойдаланиш орқали математик моделлаштириш, Марков занжири, Крамер ва Лаплас ўзгартириш усулларида ҳамда тажрибавий тадқиқотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темир йўл кесишмасига яқинлашаётган поезднинг тоифаси ва координатасидан келиб чиққан ҳолда, кесишмани бошқариш ва назорат қилишнинг автоматик сигналлаштириш усули такомиллаштирилган;

кесишманиннг автоматик сигналлаштириш тизимини ишга тушириш вақти ва унинг яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш усули турли тоифадаги поездларни ҳисобга олган ҳолда, асосланган;

ҳаракатдаги поезд машинистига кесишманинг жорий ҳолати ҳақидаги маълумотни ва кесишмага автоматик сигналлаштириш тизимини ишга тушириш буйруғини симсиз узатиш усули ишлаб чиқилган;

энергия тежамкор ва ҳалақитбардош технологиялар асосида кесишмага яқинлашаётган локомотивнинг борт қурилмалари билан кесишманинг автоматик сигналлаштириш тизимларини боғловчи микропроцессорли бошқарув усули яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кесишмага яқинлашиб келаётган поезднинг тоифаси ва унинг техник тавсифларини аниқлаш учун замонавий микроэлектрон элементларни қўллаган ҳолда локомотив борт қурилмаси ишлаб чиқилган;

темир йўл кесишмасининг ҳолатини ҳаракатдаги локомотивга узатувчи микропроцессорли бошқариш ва назорат қилиш қурилмаси дастурланадиган мантикий контроллерлар асосида такомиллаштирилган;

кесишманинг ҳолатини локомотив кабинасидан туриб назорат қилиш қурилмаси ҳамда уни кесишмани автоматик сигналлаштириш тизими билан ўзаро радиоалоқа канали орқали боғлаш учун дастурий таъминотлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий усуллар ва олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар таҳлили ва яратилган техник ечимлар, шунингдек лаборатория ва эксплуатация қилиш шароитида синовдан ўтказиш натижаларига мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл кесишмаларига яқинлашаётган поезд ҳақида яқинлашиш хабарини узатиш вақтини, яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш ва автотранспорт воситалари ҳаракати учун кесишманинг ёпилиши ҳамда очилишини унга яқинлашаётган поезднинг тезлиги, тезланиши ва тормоз тавсифларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш усулларини ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти локомотив тезлиги, босиб ўтган йўлининг узунлиги ва тормоз тавсифларини аниқловчи қурилма, поезднинг техник тавсифлари ҳақида маълумотларни киритиш интерфейси ҳамда киритилган, аниқланган маълумотларни қайта ишлаш орқали темир йўл кесишмасига радиоалоқа ёрдамида маълумотларни узатиш, қабул қилиш, бошқариш ва назорат қилиш қурилмаларни микропроцессорли технологияларни қўллаш асосида яратиш билан изоҳланади. Шунингдек, ишлаб чиқилган қурилмаларни темир йўл кесишмаларида жорий қилиш, келтирилган математик ҳисоб-китоблар орқали автоматик сигналлаштириш тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига, кесишмаларда поездлар ва автотранспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини яхшилашга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

темир йўл кесишмасини яқинлашиб келаётган поезднинг тоифасидан келиб чиқиб бошқариш тизимининг локомотив борт қурилмаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Ўзбекистон” локомотив депосидаги 7-цеҳига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги №4/Е1094-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган қурилма асосида темир йўл кесишмаларида автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари тўқнашиб кетишининг олдини олиш орқали локомотивлар, автоматика ва телемеханика қурилмаларини таъмирлаш, ҳамда поездларнинг ҳаракат жадвалидан чиқиб кетиши сабабли етказиладиган зарарларни 20% га камайтириш имкони яратилган;

темир йўл кесишмасини яқинлашиб келаётган поезднинг тоифасидан келиб чиқиб бошқариш тизимининг қурилмаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошкент сигналлаштириш ва алоқа масофаси”даги темир йўл кесишмаларида автоматик сигналлаштириш тизимларига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги №4/Е1094 маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган қурилма асосида темир йўл кесишмаларида автотранспорт воситаларининг ёпиқ кесишма олдида туриб қолиш вақти 2 баробар камайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола ва чет эл журналларида 2 та мақола, халқаро ва республика конференциялари тўпламларида 4 та, шундан Scopus базасида 2 та мақола, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 4 та ЭХМ дастурлари учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.



ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тақдим этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича барча маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимларининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигининг

бузилиш ҳолатлари таҳлил қилинган, шу билан бир қаторда жаҳондаги ва маҳаллий темир йўл кесишмасининг тўсиш қурилмалари ҳамда замонавий ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш жараёнлари, шунингдек бошқариш тизимлари ўрганилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, поездларнинг турли тўсиқлар билан тўқнашиш ҳолатларининг 17,8% темир йўл кесишмаларидаги авария ва тўқнашувлар оқибатида юз бергани ва тўқнашувлар натижасида одамлар ҳалок бўлиш ҳолатларининг 31% темир йўл кесишмаларида рўй бергани маълум бўлди. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиш ҳолатларининг 25% темир йўл кесишмаларига тўғри келади (1-расм). Автотранспорт воситаларининг ёпиқ темир йўл кесишмалари олдида тўхтаб қолиш умумий вақти (кесишма жойлашган участкадаги поездлар ҳаракати жадаллигидан келиб чиқиб) бир кунда ўртача 4-7 соатни ташкил этиши аниқланган.



1-расм. Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигининг бузилиш ҳолатлари

Поездлар ва автотранспорт воситалари ўртасидаги тўқнашувларнинг асосий оқибатлари автомобил ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги, ҳамда кўп йиллардан буён кесишмани автоматик сигналлаштириш (КАС) тизимларининг маънавий жиҳатдан эскирган элементлардан фойдаланилганлиги, шунингдек ўта юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини ташкил қилиш қурилмаларининг мавжуд эмаслиги сабабли юз берган.

Кесишма бўйлаб бир вақтнинг ўзида оддий, юқори ва ўта юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини ташкил этиш, кесишмада фавқулодда вазиятлар ҳақида поезд машинистини масофадан туриб ўз вақтида хабардор қилиш ва шу каби огоҳлантиришлар мавжуд КАС тизимларда инobatга олинмаган. Шу каби муаммони бартараф қилиш усулларида бири, автомобил ва темир йўл кесишмаларида кўприклар қуриш ёки поездлар ҳаракатини эстакадали темир йўлларда ташкил қилиш мумкин, лекин уларни қуриш, ишлатиш ва хизмат қўрсатиш жараёнлари сарф-харажатнинг ошишига олиб келади. Кесишмага яқинлашаётган поезднинг тоифасидан ва техник тавсифларидан келиб чиққан ҳолда, кесишмани бошқариш ва фавқулодда вазиятлар ҳақида локомотив машинистини ўз вақтида огоҳлантириш имконини берувчи замонавий рақамли қурилмалар ёрдамида КАС тизимларини такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Кесишмани замонавий қурилмалар билан бошқариш ва назорат қилиш бўйича дунёнинг бир қанча етук олимлари, илмий-тадқиқот институтлари ва

корхоналар ўзларининг илмий-амалий ишларини олиб бормоқда. Улар томонидан яратилган усулларда асосан релс занжирларини шунтлаш режимда таъминот охиридаги ток кучи ва кучланишнинг ўзгариши эвазига поезднинг тезлигини аниқлаш орқали кесишманинг ёпилиш вақти ҳисобланган. Улардаги камчиликларидан бири балласт қаршилиги кичик бўлган участкаларда қўллаш имкониятининг мавжуд эмаслиги, жумладан қаршилигининг мавсумий ўзгаришларининг ҳисобига хатоликларни ошишига олиб келади, шунингдек ушбу усулларда поезднинг ҳақиқий тормоз йўли узунлиги ҳисобга олинмаган. Кесишмаларда ҳаракат хавфсизлигини юқорида даражада таъминлашда кўшимча ўрнатилган қурилмалар сонининг кўпайиши эвазига энергия сарфининг ошишига, янги турдаги тизимларга хизмат кўрсатиш жараёнининг қийинлашишига, уларнинг мавжудлари билан интеграциялашда бир қанча ноқулайликларни туғдиради ва таннархининг ўсишига олиб келади.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида, темир йўл кесишмаларида поездлар ва автотранспорт воситаларининг тўқнашувининг олдини олиш ҳамда ёпиқ кесишма олдида автомобилларнинг тўхтаб қолиш вақтини камайтириш учун мавжуд локомотив борт қурилмалари билан кесишма қурилмаларини интеграциялаш асосида, яқинлашиб келаётган поезднинг техник тавсифларидан келиб чиққан ҳолда, кесишмани бошқариш, фавқулодда вазиятлар ҳақида локомотив машинистини радиоалоқа канали орқали ўз вақтида огоҳлантириш усулларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш лозим ҳисобланади.

“Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш алгоритмлари ва усулларини яратиш” деб номланган иккинчи бобида темир йўл кесишмаларига яқинлашиб келаётган поезднинг техник тавсифларини аниқлаш ва унга асосан яқинлашиш хабарининг вақтини белгилаш ҳамда яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблаш, кесишманинг ёпилишини кечиктириш вақтини аниқлаш алгоритмлари ва усуллари ишлаб чиқилган.

Мавжуд КАС тизимларида кесишмага яқинлашиш участкасининг узунлигини ҳисоблашда, поездларнинг участкадаги энг юқори тезлиги ҳисобга олинган, лекин поезднинг тезланиши, ҳақиқий тезлиги ва унинг тормоз йўлини узунлиги ҳисобга олинмаган. Бу эса паст тезликли ҳаракатдаги поездлар яқинлашганда кесишманинг узоқ вақт ёпилиб туришига ва тормоз йўли узунлиги ҳисобга олинмаслиги кесишмада фавқулодда вазиятларда поездларнинг кесишма чегарасигача тўхтаб улгурмаслигига сабаб бўлади.

Ишлаб чиқилган усулда темир йўл кесишмасига жуфт ва тоқ йўналишлар бўйича яқинлашиш участкаси узунлигининг (S) энг максимал қиймати олинган (1) ва (2) ифодаларда келтирилган:

$$S = S_m + S_{\bar{e}}(v, t_{\bar{e}}) + S_{mек}(v, t_{mек}) + S_a(v, t_a), \quad (1)$$

$$S = S_m + 0.278v(t_{\bar{e}} + t_{mек} + t_a), \quad (2)$$


бунда: $t_{\bar{e}}$ – кесишманинг ёпилиш вақти; $t_{mек}$ – кесишма ҳудудида автотранспорт воситалари йўқлигини текширишга кетган вақт; t_a – кесишма ва локомотив қурилмалари ўртасида маълумотлар алмашилиш вақти; $S_{\bar{e}}$, $S_{mек}$, S_a – юқорида келтирилган вақтларга мос равишда поезднинг босиб ўтган йўли.

Бунда, S_m поезднинг ҳақиқий тормоз йўлининг узунлиги бўлиб, у қуйидагича ҳисобланган:

$$S_t = 0.278v_0 t_{mm} + \frac{500(v^2 - v_0^2)}{\zeta w_{ox} + w_c + 1000\vartheta_p \varphi_{kp}}, \quad (3)$$

бунда: ζ – айланаётган масса инерциясининг коэффиценти; φ_{kp} – тормоз колодкасининг ғилдирак бандажига ишқаланишининг ҳисобланган коэффиценти; ϑ_p – ҳисобланган тормозланиш коэффиценти; w_{ox} – ҳаракатга нисбатан солиштира қаршилик кучи; w_c – қияликларда ва эгри участкаларда ҳаракатга нисбатан солиштира қаршилик кучи; v – тормозланиш бошлангандаги тезлик; v_0 – тормозланиш охиридаги тезлик; t_{mm} – локомотив қурилмаларини тормозланиш жараёнига тайёрлашга кетган вақт.

Поезд яқинлашиш участкасига кириши билан локомотив ва кесишма қурилмалари ўртасида радиоалоқа орқали маълумотлар алмашуви ўрнатилади. Шунингдек, радиоалоқа ўрнатилмаган ҳолда, кесишмани тўсиш қурилмалари одатдаги каби тарзда ишга тушади. Ҳар бир кесишма идентификация рақами (ID) билан белгиланиб, радиоалоқа ўрнатилганидан кейин кесишма қурилмаларидан локомотив қурилмаларига кесишмани ёпиш вақти ($t_{\bar{e}}$), кесишма яқинлашиш участкаси узунлиги (S) ва кесишма жойлашган ҳудуд профили (нишаблиги) ҳақидаги маълумотлар узатилади. Маълумотлар кесишмадаги қурилмалар хотирасига киритилган бўлади. Локомотив қурилмалари маълумотларни қабул қилгач, локомотивнинг тезлиги ва бошқа тормоз тавсифларини белгиловчи катталиқлар асосида поезднинг тормоз йўли узунлигини (S_m) ва кесишма яқинлашиш участкасига кирганидан кейин босиб ўтган йўли узунлигини (S_{δ}) узлуксиз ҳисоблайди (2-расм).



2-расм. Ишлаб чиқилган усулнинг йўл координатлари бўйича ишлаш схемаси

Қайси пайт $S - S_{\delta} = S_m + 0.278v(t_a + t_{\bar{e}} + t_{mex})$ шарт бажарилса, локомотив қурилмаларидан кесишмани “ёпиш” тўғрисидаги буйруқ узатилади. $S - S_{\delta} = S_m + 0.278v(t_a + t_{mex})$ шарт бажарилгач, кесишманинг ёпилганлиги ва поезд ҳаракатига хавф туғдириши мумкин бўлган тўсиқ бор-йўқлиги


текширилади. Агар ҳеч қандай хавф бўлмаса, поезд белгиланган тезликда ҳаракатни давом этиши мумкин бўлиб, акс ҳолда (t_a) босиб ўтилган йўлдан сўнг $S - S_\phi = S_m$ шарт бажарилса, кесимма қурилмалари билан локомотив қурилмалари кесимманинг жорий ҳолати ҳақида маълумотларни алмашиш вақтида поезд тезлигини 20 км/соатга камайтириш буйруғи берилади. Поезд тезлигини камайтирган ҳолда кесиммага яқинлашади. Ана шунда $S - S_\phi = S_{m1}$ (S_{m1} – поезднинг 20 км/соат тезликдаги тормоз йўли узунлиги) шarti бажарилганида, кесиммада поезд ҳаракати учун хавф соладиган тўсиқ мавжуд бўлмаса, ҳамда кесимманинг ёпиқ ҳолатида поезд тезлигини оширган ҳолда ҳаракатланади. Акс ҳолда поезд машинистига кесимма чегарасигача бўлган масофада тўхташ буйруғи берилади. Шунингдек узоқлашиш участкасида эса, поезднинг тезлиги, йўналиши ва унинг ҳаракати радиоалоқа канали орқали тўлиқ назорат қилинади.

Ишлаб чиқилган усулнинг КАС бошқариш ва назорат қурилмалари ҳамда унинг дастурий таъминотларини ишончлилик кўрсаткичларини ошириш, юзага келиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш ва темир йўл ҳаракат хавфсизлиги шартларига асосан бартараф этиш учун уларнинг математик моделини яратиш талаб этилади.


Диссертациянинг **“Темир йўл кесиммаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимларининг математик моделларини яратиш”** деб номланган учинчи бобида Петри тармоқлари назарияси асосида темир йўл кесиммаси участкасига поезд яқинлашганида кесимманинг ёпилиши ва поезд ўтганидан кейин унинг очилиши, шунингдек кесиммадан узоқлашиш участкасида белгиланган вақтдан ортиқ қолиб кетганида, кесиммани қайта ёпиш ҳамда уни маҳаллий бошқариш ва назорат қилиш математик моделлари яратилган. Бундан ташқари MATLAB Simulink дастурида тизимнинг ишлаши моделлаштирилган. Кесиммага яқинлашаётган поезднинг тезлиги, тезланиши, тоифаси ва техник тавсифларини инобатга олган ҳолда, КАС тизимининг ишлаш алгоритми яратилган.

Поезд жуфт йўналишдан кесимманинг 2ЧП яқинлашиш участкасини банд қилганида ва жуфт йўналишга ўрнатилганида (3-расм), t_3 шарт бажарилади, яъни $I(t_3) = \{P_{1,2}, P_9\}$ бўлади, ҳамда $O(t_3) = \{P_{13}\}$ тенглаштирилади. P_{13} локомотив қурилмалари билан алоқа ўрнатилганидан сўнг t_4 шарт бажарилади, $I(t_4) = \{P_{13}\}$ ва $O(t_4) = \{P_{14}\}$ чиқиш фаоллашади. P_{14} кесимманинг яқинлашиш участкаси узунлиги ва кесимманинг ёпилиш вақти ҳақидаги маълумотлар локомотивга узатилади, $I(t_5) = \{P_{14}\}$ ҳамда $O(t_5) = \{P_{15}\}$ чиқишга эга бўлади. P_{15} яқинлашиб келаётган поезднинг тезлиги ва тормоз йўли узунлиги аниқланади ва t_6 шарт бажарилади, $I(t_6) = \{P_{15}\}$, $O(t_6) = \{P_{16}\}$ тенг бўлади. P_{16} ҳисобланган маълумотлар асосида КАС қурилмаларини ишга тушириш буйруғи шакллантирилади, яъни $I(t_7) = \{P_{16}\}$, $O(t_7) = \{P_{17}\}$ тенг бўлади. P_{17} КАС тизимини ишга тушириш буйруғи кесимма қурилмаларига узатилади. Тизимнинг ишлаши учун 2ЧП участкасидан поезднинг яқинлашиши ҳақидаги олинган маълумот ишончли ва кафолатланган бўлиши керак. Бирор носозлик сабабли 2ЧП дан маълумот олинмаган ҳолда ҳам КАС тизими ишга тушади ва поезд кесимма ҳудудига

кириши билан кесимма автотранспорт воситалари ҳаракати учун ёпилади. Поезд 2ЧП участкасини банд қилганлиги тўғрисида маълумот тасдиқланмай, локомотив билан алоқа ўрнатилмаса, КАС тизими 1ЧП участкаси банд бўлганида ишга тушади, яъни $I(t_8) = \{P_{11,1}, P_6\}$, $O(t_8) = \{P_{17}\}$ тенг бўлади. Ишлаб чиқилган кесимма ёпилишининг Петри тармоқларидаги модели 3-расмда келтирилган. Ушбу модел асосида КАС тизимининг ишлаш алгоритми яратилган ва 4-расмда кўрсатилган.



3-расм. Кесимма ёпилишининг Петри тармоқлари асосидаги модели




4-расм. КАС тизимининг ишлаш алгоритми

Петри тармоқларида ишлаб чиқилган моделга асосланиб, КАС тизимининг дастурий таъминотини яратиш ва тизимни бошқариш ҳамда назорат қилиш унинг ишончлилиги ортишига имкон яратади.

“Темир йўл кесиммаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш” деб номланган тўртинчи

бобда яқинлашаётган поезднинг тоифасига биноан темир йўл кесишмасини бошқариш ва назорат қилиш тизимидаги локомотив борт ҳамда кесишма қурилмаларининг тузилмавий схемалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали амалий натижалар олинган. Шу жумладан, қурилмаларнинг ишончлилиқ кўрсаткичлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

Ишлаб чиқилган КАС тизими икки қисмга бўлинади: локомотив борт қурилмаси ва кесишма қурилмаси. Локомотив борт қурилмасининг блоклари қуйида 5 а)-расмда ва кесишма қурилмасининг блоклари 5 б)-расмда келтирилган.



5-расм. Локомотив борт ва кесишма қурилмаларининг тузилмавий схемаси

Тезликни аниқлаш модули ёрдамида поезднинг тезлиги ва босиб ўтган йўли аниқланган ва унинг модулининг электр схемаси б а)-расмда келтирилган. Модулнинг тезлик ва йўл датчигидан BBD-1 ва BBD-2 киришлари орқали олинган маълумотлар микроконтроллерга (МК) узатилади. ТМ ва ТМ BBD датчикнинг таъминот киришлари бўлиб, МК қабул қилинган маълумотларни қайта ишлайди ва поезд тезлиги ҳамда босиб ўтган йўлини қуйидаги формула орқали ҳисоблайди:

$$v = \frac{N \pi D}{t n}, \quad (4)$$


бу ерда: v – поезд тезлиги; N – t вақтдаги импульслар сони; D – ғилдирак ўқининг диаметри; n – датчикнинг бир айланишидаги импульслар сони.

Локомотив борт қурилмаларидан темир йўл кесишмасига маълумотларни узатишда радиоалоқа каналдан фойдаланилган ва радиомодулнинг уланиш схемаси б б)-расмда келтирилган. Бу ерда М0 ва М1 радиомодул ишлаш режимини белгилаб беради. RX, TX чиқишлари микроконтроллер МК билан UART протоколи орқали маълумотлар алмашади. AUX чиқиши қабул қилиш ва узатиш буферини ва ўзини ўзи текшириш сифатида ишлатилади.

Поезд тормоз йўлининг узунлигини аниқлашда, унинг самарали тормоз коэффициентини ҳисоблаш учун босим датчикларидан фойдаланилган. Босим датчиклари локомотив тормоз магистралдаги сиқилган ҳаво босимини ўлчайди ва унинг модул схемаси б в)-расмда кўрсатилган.


Поезд тезлиги, поезднинг босиб ўтган йўли, кесишманинг ҳолати каби маълумотлар ишлаб чиқилган қурилманинг локомотив бошқариш ва назорат экранда кўрсатилади ва унинг ташқи кўриниши б г)-расмда келтирилган. Шунингдек, поезд тормоз йўлининг узунлигини аниқ ҳисоблаш учун бошқариш

ва назорат қурилмасига маълумот, яъни поезд тоифасидан келиб чиқиб юк поезда ёки йўловчи поезд, йўловчи поездларда эса, оддий ҳаракатдаги, юқори тезликдаги ва ўта юқори тезликдаги поезд, поезд оғирлиги, локомотивнинг тортиш кучи, тормоз колодкасининг ишқаланиш коэффициенти ва вагонлар сони ҳақидаги маълумотлар киритилади.



6-расм. Локомотив борт қурилмаси схемаси

КАС тизимини бошқариш модули локомотив қурилмаларидан кесилшмани ёпиш тўғрисидаги буйруқни қабул қилгач, кесилшманинг тўсиш қурилмаларини ишга тушириш (ПВ) релесини, кесилшмада фавқулодда ҳолат юз берганида эса, тўсиш светофорининг (ЗГ) релесини бошқаради ва кесилшма ҳолатини назорат қилишда бошқа релелардан ҳам маълумотлар олиб, шундан сўнг кесилшманинг ҳолати ҳақида поезд машинистига маълумот узатади. КАС тизимининг қурилмалар билан ўзаро боғланиш схемаси 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. КАС тизимининг қурилмалар билан ўзаро боғланиш схемаси




8-расм. Локомотив борт қурилмаси уланиш схемаси


Ишлаб чиқилган локомотив борт қурилмаси “Ўзбекистон” локомотив депосининг №7-цеҳида лаборатория стендида текширилган ва “Ўзбекистон”

электровозининг машинист кабинасида синовдан ўтказилган. Қурилманинг тезлик ва босимни аниқлаш датчиклари билан уланган схемаси ҳамда уларнинг ташқи кўриниши 8-расмда кўрсатилган.

Ишлаб чиқилган қурилманинг кесимма қисми “Тошкент сигналлаштириш ва алоқа масофаси” Нурхаёт станциясининг темир йўл кесиммасига татбиқ қилинган. Яратилган қурилманинг станцияда жойлашган темир йўл кесиммаси қурилмалари билан уланиш схемаси 9-расмда ва перегондаги темир кесиммаси қурилмалари билан уланиш схемаси 10-расмда келтирилган.



9-расм. Станция ҳудудида жойлашган кесиммалар учун қурилманинг КАС тизимига уланиш схемаси



10-расм. Перегонда жойлашган кесиммалар учун қурилманинг КАС тизимига уланиш схемаси

Нурхаёт станцияси ҳудудидаги кесимманинг ёпилишида яқинлашаётган поезд тоифасидан келиб чиқиб, бошқариш жуфт томондан тўхтамасдан ўтиш маршрутида ва тоқ томондан қабул қилиш маршрутида кўзда тутилган. Ишлаб чиқилган КАС тизимининг ишлаш алгоритми станциядан поездларни жўнатиш маршрути ўрнатилганда ва маневр ишларида мавжуд одатий тартибда амалга оширилади.

Ишлаб чиқилган қурилма темир йўл кесиммаларида амалда синовдан ўтказилган, шунингдек яқинлашаётган поезд тезлиги ва кесимманинг ёпилиш вақтлари таҳлил қилинган ҳамда мавжуд усулдаги кесимманинг ёпилиш вақтлари билан қиёсланган. КАС тизимида поезднинг кесиммага яқинлашиш вақтининг тезликка боғлиқлик графиги 11-расмда кўрсатилган.



11-расм. КАС тизимида поездни кесишмага яқинлашиш вақтининг тезликка боғлиқлик графиги

Темир йўлда автоматика ва телемеханика қурилмаларига қўйилган талаблар асосида КАС тизимининг қурилмалари захираланган ва тизимнинг қайта тикланиш имконини яратиш учун ишончлилик кўрсаткичлари ҳисобланган. Ишончлилик кўрсаткичлари локомотив борт қурилмалари (5) ва кесишма қурилмалари (6) учун Марков занжири ва Лаплас ўзгартиргичларидан фойдаланилган ҳолда қуйидаги ифодаларда аниқланган:

$$P_{l,2}(t) = 1 - (1 - P_{l,1}(t))^2 = 2 P_{l,1}(t) - P_{l,1}^2(t) = 2e^{-51,23 \cdot 10^{-6} t} - e^{-102,46 \cdot 10^{-6} t}, \quad (5)$$

$$P_{k,2}(t) = 2 e^{-32,25 \cdot 10^{-6} t} - e^{-64,5 \cdot 10^{-6} t}. \quad (6)$$

Локомотив борт (7) ва кесишма қурилмалари (8) носозликка учрашининг эҳтимолӣ вақтлари (T) қуйидаги ифодаларда ҳисобланган:

$$T_l = \int_0^{\infty} (2e^{-51,23 \cdot 10^{-6} t} - e^{-102,46 \cdot 10^{-6} t}) dt = 29300 \text{ соат} = 3 \text{ йил } 5 \text{ ой}, \quad (7)$$

$$T_k = 46600 \text{ соат} = 5 \text{ йил } 4 \text{ ой}. \quad (8)$$

Яратилган КАС тизими темир йўл кесишларида ҳаракат таркибини ишончли ва мунтазам бошқаришга ва назорат қилишга, радиоалоқа орқали кесишманиннг жорий ҳолати бўйича машинистга маълумот бериш ҳамда кесишмаларда автотранспорт воситаларини кутиш вақтларини камайтириш имконини беради.

ХУЛОСА

Темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тадқиқот ва таҳлилий натижалар юзасидан қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Поезднинг тоифасини инобатга олган ҳолда кесишма автоматик сигналлаштириш тизимининг замонавий ҳолати ва муаммолари тадқиқ қилинган. Натижада замонавий тизимларда яқинлашаётган поезднинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда кесишманиннг автоматик сигналлаштириш тизимини ишлаб чиқишдаги муаммолар етарлича ўрганилмаганлиги аниқланган.

2. Кесишмага яқинлашаётган поезднинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда кесишмани автоматик сигналлаштириш усулининг математик моделини яратиш асосида темир йўл транспортида поездлар ҳаракат хавфсизлиги таъминлаш

даражаси оширилган. Натижада қурилманинг ишончли ва хатосиз ишлашини таъминлаш, поезднинг тоифасидан келиб чиқиб кесиманинг автоматик сигналлаштириш тизимини бошқариш жараёнини текшириш ва бажарилиши талаб этиладиган шартларни инобатга олиш имконияти яратилган.

3. Темир йўл кесимасининг автоматик сигналлаштириш тизимини ишга тушириш вақтини ва унинг яқинлашиш участкаси узунлигини ҳисоблаш усули турли тоифадаги поездларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган. Натижада кесимма автоматик сигналлаштириш тизимининг ишга тушиш вақти поезд тоифаси ва техник тавсифларига мос равишда қисқарган, ёпиқ кесимма олдида автотранспорт воситаларининг тўхтаб қолиш вақти 2 баробар қисқарган.

4. Яқинлашиб келаётган поездга кесиманинг ҳолати ва ундаги фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотларни ҳамда автоматик сигналлаштириш тизимини ишга тушириш буйруғини симсиз радиоалоқа канали орқали узатиш усулининг алгоритми яратилган. Натижада радиоалоқа канали орқали кесиманинг ҳолати ва ундаги фавқулодда вазиятлар ҳақида локомотив борт қурилмаларига маълумотлар узатилиб, ташиш жараёнини янада хавфсиз ва тезкор ташкил этиш имконияти яратилган.

5. Кесиммага яқинлашаётган поезднинг тоифасини аниқлаган ҳолда бошқариладиган кесимани автоматик сигналлаштириш тизимининг ишончлилик кўрсаткичлари Марков занжири ва Лаплас ўзгартиргич қонунларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган. Натижада поезд тоифасидан келиб чиқиб, бошқариладиган кесимани автоматик сигналлаштириш тизимининг қурилмаларини захиралаш орқали ишончлилик кўрсаткичлари 1,5 баробарга оширилган.

6. Кесиммага яқинлашиб келаётган поезднинг тоифаси ва унинг техник тавсифларини аниқлаш учун замонавий рақамли элементларни қўллаган ҳолда локомотив борт қурилмаси, кесимани автоматик сигналлаштириш тизимини бошқарадиган ва назорат қиладиган ҳамда локомотив билан симсиз радиоалоқа канали орқали маълумотлар алмашадиган қурилмалар ва уларнинг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилган. Натижада поезднинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда кесимани автоматик сигналлаштириш тизимини бошқарадиган ва кесиманинг ҳолатига доир маълумотни радиоалоқа канали орқали локомотивга автоматик тарзда узатадиган микропроцессорли, энергиятежамкор ва тезкор тизим ишлаб чиқилган.

7. Тадқиқот натижалари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент сигналлаштириш ва алоқа” дистанциясига ва “Ўзбекистон” локомотив депосига жорий этилган. Натижада кесималарнинг узоқ вақт ёпилиб туриши натижасида автотранспорт воситаларининг тирбандлиги ва поездлар билан тўқнашиб кетиши ҳодисаларнинг олди олинган, шунингдек темир йўл кесималарида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш асосида умумий иқтисодий самарадорлик 535,5 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ТРАНСПОРТНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМОНОВ БОБОМУРОД БАХТИЁРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ
БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ
ПЕРЕЕЗДАХ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2023.3. PhD/T3997.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Курбанов Жанибек Файзуллаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хаджимухаметова Матлуба Адиловна
доктор технических наук, профессор

Уроков Олимжон Хикматуллоевич
доктор философии по техническим наукам

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «29» апреля 2024 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/31.08.2022.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. Адрес: 100167, Ташкент, Темирюлчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: rektorat@tstu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер №154). Адрес: 100167, Ташкент, ул. Темирюлчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «17» апреля 2024 года.
(протокол реестра №37 от «17» апреля 2024 года).



Н.М. Арипов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ш.М. Суюнбаев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

М.Х. Расулов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, к.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире резко возрастает спрос на эксплуатацию систем контроля и управления безопасности движения на переездах железнодорожного транспорта с использованием автоматизированных цифровых технологий. Также особое внимание уделяется вопросам обеспечения высокоточной работы устройств управления и контроля системы автоматической переездной сигнализации на базе самодиагностирующих, современных микропроцессорных и беспроводных технологий при обеспечении безопасности движения и повышении надежности на высокоскоростных участках железнодорожного транспорта. Учитывая, что в развитых странах в настоящее время 31% столкновений являются причиной различных травм человека и 2% становятся причиной их смерти¹, вызванных несоблюдением водителями правил безопасности движения на переездах на высокоскоростных участках железных дорог, то приобретает особое значение разработка систем автоматической сигнализации железнодорожных переездов на основе современных автоматизированных беспроводных технологий. В связи с этим особое внимание уделяется повышению безопасности движения на железнодорожных переездах, контролю и управлению на основе применения беспроводных технологий, дистанционному предупреждению водителей движущихся автотранспортных средств, передаче машинисту поезда точной информации о текущем состоянии переезда, своевременному предупреждению о приближении поезда на переездах и пешеходных переходах, предотвращению длительных простоев автомобилей и пробок на переезде².

В мире ведутся научные исследования по обеспечению высокого уровня безопасности движения и разработке современных автоматизированных устройств за счет совершенствования систем контроля и управления процессами времени извещения о приближении поезда и расстояния его приближения к железнодорожным переездам. В этом направлении приоритет отдается исследованиям, в том числе по разработке упрощенного алгоритмического программного обеспечения методов микроконтроллерного управления и контроля на базе современных элементов систем автоматической переездной сигнализации железной дороги, кроме того, особое значение имеет повышение надежности систем автоматической переездной сигнализации. Вместе с тем, своевременное информирование ответственных работников отрасли показателями надежности и аналитическими результатами систем автоматической переездной сигнализации в цифровом виде и дистанционно с помощью беспроводных технологий, является актуальной задачей.

В республике реализуются меры по модернизации устройств, блоков и датчиков, относящихся к системам обеспечения безопасности движения железнодорожного транспорта, а также по замене их на цифровые технологии, и по замене контактных релейных блоков на бесконтактные

¹ <https://zdmira.com/articles/otchet-mszhd-2022-statistika-proisshestvij-na-zheleznykh-dorogakh>

² <https://newsprice.info/publications/kak-raskuporit-probku-mezhdunarodnyj-opyt-resheniya-transportnyh-problem/>

